# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2018 йил 11 октябрь, № 211 (7169) Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## МУДОФАА ҚУРИЛИШИ ВА ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 2018 йил 10 октябрь куни мудофаа қурилиши ва Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларини ривожлантириш масалаларига бағишланган хизмат йиғилиши бўлиб ўтди.**

Йиғилишда қўшинларнинг жанговар шайлиги ва жанговар қобилиятини янада ошириш, уларни замонавий қурол-яроғ ва ҳарбий техника билан таъминлаш, мавжуд қурол-яроғ намуналарини модернизация қилиш, минтақа ва дунё мамлакатлари билан ҳарбий ва ҳарбий-техник ҳамкорликни фаоллаштириш, ҳарбий шаҳарчалар инфратузилма объектларини, қўшинларнинг техник ва фронт орти таъминоти тизимларини ривожлантириш, шунингдек, ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва Қуролли Кучлар фахрийларини ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари муҳокама қилинди.

Ҳарбий округ қўмондонликларининг ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарияти билан ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, қўшинларнинг кундалик самарали фаолиятини ташкил этишда қўшилма ва қисмлар командирларига кўмаклашиш, ҳарбий хизматчиларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш борасидаги ҳамкорлик фаолиятининг оралиқ якунлари ҳам кўриб чиқилди.

Мудофаа вазирлиги масъул мансабдор шахсларининг қўшинларнинг самарали жанговар ва маънавий-маърифий тайёргарлигини ошириш, бошқарув органлари, бирлашмалар, қўшилма ва қисмлар, олий ҳарбий таълим муассасалари, шунингдек, маҳаллий ҳарбий бошқарув органлари томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маърузалари тингланди.

Мудофаа вазирлигининг ахборотига кўра, ҳисобот даврида жами 120 дан ортиқ тезкор-жанговар тайёргарлик тадбирлари ўтказилган, уларда тегишли вазирлик ва идораларнинг 15 мингдан зиёд ҳарбий хизматчилари, шунингдек, давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари вакиллари иштирок этган.

Амалга оширилган ишлар натижасида ҳарбий округларнинг жанговар имкониятлари сезиларли даражада кенгайди, доимий шай ҳолатдаги ва махсус топшириқли мутлақо янги бўлинмалар тузилди. Кўрилган чора-тадбирлар туфайли қўшинларнинг жанговар тайёргарлик самарадорлиги ошди, бўлинмалар жанговар шайлигининг вақтга доир кўрсаткичлари икки баробар қисқартирилди, шахсий таркибнинг профессионаллик даражаси юксалди.

Қисқа муддатда хорижнинг илғор технологиялари ва замонавий ўқув воситаларини ўзида мужассам этган янгиланган Қуролли Кучлар Академияси ташкил этилди.

Хизмат йиғилиши якунлари бўйича Президентимиз томонидан Қуролли Кучлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва умуман, мамлакат мудофаа қобилиятини юксалтиришнинг устувор йўналиш ва вазифалари белгилаб берилди. Қуролли Кучларни янада ислоҳ қилиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилинди.

**ЎзА.**

## ЙИЛНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАШ ВА БАРЧА МАКРОИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРГА ЭРИШИШ – МУҲИМ ВАЗИФА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳузурида 2018 йил 10 октябрь куни Вазирлар Маҳкамаси ва иқтисодий идоралар раҳбарлари иштирокида мамлакатни жорий йил 9 ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳолати ва йил якунлари бўйича кутилаётган натижалар муҳокамасига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.**

Молиявий бозорнинг ривожланиши иқтисодиётни янада либераллаштириш ва тадбиркорлик учун қулай шарт-шароитлар яратишнинг асосий омили ҳисобланади.

Шу боис мамлакатимизда бу борада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Жумладан, Президентимизнинг 2017 йил 2 сентябрдаги "Валюта сиёсатини либераллаштириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони амалда бўлган валютани тартибга солиш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, валюта сиёсатини либераллаштириш, барча тадбиркорлик субъектларига ташқи савдо фаолиятини амалга оширишда тенг шароитлар яратишнинг мутлақо янги тизимига асос бўлди.

Ҳеч шубҳасиз айтиш мумкинки, мазкур ҳужжатда кўзда тутилган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини яхшилашга, инвестиция салоҳиятининг юксалишига, пировардида, иқтисодиёт тармоқлари самарадорлигининг янада яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизда валюта бозорининг эркинлаштирилиши иқтисодиётда ликвидлилик даражаси ошиши ҳамда бўш пул маблағларининг муҳим инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларига жалб этилишини тақозо қилади.

Ўз навбатида, капитал бозорини ривожлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар, банклар ва суғурта компанияларининг бўш маблағларини муҳим лойиҳаларга жалб қилиш ҳам яхши самара беради. Бу борада янги ислоҳотларни амалга ошириш Давлат бюджети харажатларини бир маромда молиялаштириш учун имкониятларни янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Йиғилишда "Ҳар бир оила — тадбиркор" давлат дастурининг жойлардаги ижроси бўйича мутасадди раҳбарлар ҳисоботи эшитилди.

Давлатимиз раҳбари Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ, мамлакатимизда капитал бозорини ривожлантириш, хўжалик юритувчи субъектлар, тижорат банклари ва суғурта компанияларининг бўш маблағларини муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга жалб қилиш мақсадида қимматли қоғозларни муомалага чиқариш, шунингдек, жорий йилни муваффақиятли якунлаш ва барча прогноз қилинган асосий макроиқтисодий кўрсаткичларга эришишни таъминлаш юзасидан тегишли топшириқлар берди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

## Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 12 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4-моддалар, № 4, 224-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **72-модда**:

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

**тўртинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

2) **74-модда**:

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**(Давоми 2-бетда).**

## Кун иқтибоси:



*Ўзбекистонда олиб борилаётган оқилона сиёсат, кенг кўламли ислоҳотлар нафақат аҳоли фаровонлигини ошириш, мамлакатнинг етакчи давлатлар сафига кириши, балки Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга ҳам хизмат қиляпти.*

**Эммануэль МАКРОН,** Франция Республикаси Президенти.

## Франция матбуотида бош мавзу – Ўзбекистон!

*Президентимизнинг Франция Республикасига амалга оширган расмий ташрифига жаҳоннинг нуфузли оммавий ахборот воситалари катта эътибор қаратди.*

**ДУНЁ НИГОҲИ**

Жумладан, ушбу мамлакатдаги машҳур, 1826 йилдан бери чоп этиладиган йирик нашр — **"Le Figaro"** газетасида ёзилишича, Шавкат Мирзиёевнинг Францияга илк ташрифи самарали бўлди. "Ташриф арафасида умумий қиймати 5 миллиард еврога яқин инвестиция лойиҳалари бўйича келишувлар имзоланди. Улар орасида "Total", "Vinci", "Suez", "Thales Alenia Space", шунингдек, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Франция тараққиёт агентлиги каби етакчи компаниялар, молиявий тузилмалар борлиги диққатга молик", дея қайд этилади "Le Figaro"да.

**"Agence France-Presse"** ахборот агентлиги муҳим воқеага тайёргарлик жараёни, унинг икки томонлама муносабатлар тарихидаги аҳамияти, Ўзбекистоннинг замонавий тараққиёти, мамлакатимизнинг савдо-иқтисодий салоҳияти, юртимиз иқтисодиётига сармоя киритиш имкониятлари ҳақида ҳикоя қилувчи кўплаб мақола, репортаж, янгиликлар ва интервьюлар тақдим этди. Улардан бирида Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришганидан буён Европа қитъасига биринчи расмий ташрифини амалга оширгани алоҳида таъкидланади. Мамлакат ташқи сиёсатидаги бундай очиқлик Марказий Осиё учун ҳам олдинга ташланаётган қадам сифатида баҳоланмоқда, дейди журналист.

"32 миллиондан зиёд аҳолига эга республика Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида Ғарб билан алоқаларини яхшилашга, шунингдек, хорижий инвестицияларни фаол жалб қилишга интилмоқда", дейилади агентлик хабарида.

Француз, инглиз, испан ва араб тилларида эфирга узатиладиган **"France24"** телеканали давлатимиз раҳбарининг "кўҳна қитъа"га илк расмий ташрифи билан боғлиқ лавҳаларни ҳавола қилди. "Ўзбекистон французликларга визасиз кириш имкониятини тақдим этди" — янгиликлардан бирида шунга алоҳида урғу берилди. Унда юртимизнинг бой маданий мероси, бугунги кундаги ислоҳотлар ҳақида сўз юритилиб, французликлар мазкур жиҳатларга қизиқиши айтилади.

"Франция фуқаролари Европа иттифоқи таркибидаги мамлакатлар орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонга визасиз бориш имконини қўлга киритди. Эндиликда улар 30 кун давомида бу ерда эмин-эркин юришлари мумкин. Туризмни ривожлантириш Ўзбекистонда давлат томонидан устувор вазифа сифатида белгиланган ва бу тараққиётга хизмат қиладиган соҳадир", дейилади ахборотда.

Юз мингдан зиёд нусхада чоп этиладиган **"La Croix"** газетасида эса Ўзбекистондаги янгиланишларга "тоза ҳаво кириб келди", дея таъриф берилди.

"Шавкат Мирзиёев Президент сифатида фаолиятини бошлаганидан сўнг кейинги икки йилда жиддий ислоҳотларни амалга оширди.

→ 3

**ТАҲЛИЛ**

### Ўзбекистон — Франция:

## Ҳамкорликнинг стратегик истиқболлари

*Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий йўналишни изчил ҳамда самарали илгари суриш Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган кенг миқёсдаги ислоҳотлар ва демократик янгиланишларни муваффақиятли амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.*

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг очиқ ва прагматик ташқи сиёсатни фаоллаштириши натижасида хорижий мамлакатлар ҳамда халқаро ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни мустаҳкамлаш бўйича улкан натижаларга эришилди. Марказий Осиё мамлакатлари билан муносабатлар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Мунтазам равишда долзарб халқаро ва минтақавий муаммолар бўйича ташаббуслар рўёбга чиқарилмоқда, чет давлатлардаги ватандошлар билан мулоқот мустаҳкамланяпти, юртимизнинг халқаро ҳамжамиятдаги обрўси юксалмоқда.

### Муносабатларнинг мантиқий давоми

Хорижий шериклар билан муносабатларни йўлга қўйиш бўйича устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Европа иттифоқи ва унинг етакчи аъзо давлатлари билан ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳамда кенгайтириш жараёнини давом эттиришдан манфаатдор. Улар орасида Франция Республикаси ҳам бор.

→ 3

### Содиқ САФОЕВ:

## «Парламентлараро мулоқотни чуқурлаштириш мақсадларимизга муштарак»

*Президентимиз Шавкат Мирзиёев Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг биринчи ўринбосари С. Сафоев мазкур ташрифнинг аҳамияти, икки мамлакат парламентлараро мулоқотни ривожлантириш хусусида мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:*

— Давлатимиз раҳбари алоҳида таъкидлаганидек, Ўзбекистон парламенти тизимини, Сенатни шакллантириш принципларини яратишда Франциянинг тарихий тажрибаси, Бешинчи Республика Асосий Қомуси постулатларидан кўп фойдаланилди. Айнан шу сабабли Франция Конституцияси қабул қилинганининг 60 йиллиги муносабати билан мазкур Қомус ўзбек ва француз тилларида чоп этилди. Китобнинг илк нусхаси мамлакатимиз раҳбари томонидан Франция Республикаси Сенати Раиси Жерар Ларшега топширилди.

→ 3

**ТАЪЛИМ**

## «Академик пальма» орденининг юртимиздаги соҳиблари

*Мамлакатимизда француз тилини ўрганиш кенг йўлга қўйилган. Жумладан, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида ушбу тил чуқурлаштириб ўқитиладиган ихтисослаштирилган мактаблар, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари фаолият юритмоқда. Олий таълим муассасаларида француз тили ўқитувчилари, таржимонлар, филологлар тайёрланяпти. Бундан ташқари, тиббиёт, иқтисодиёт, архитектура, санъат, дизайн ва қишлоқ хўжалиги соҳалари бўйича олий таълим берадиган ўқув юртларида талабалар ушбу тилни ўрганаётир.*



→ 3

Ўзбекистон Республикасининг

ҚОНУНИ

# Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан, шу жумладан ичимлик сувидан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

**учинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан етти бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **75-модда**:

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

4) **76-модда**:

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

**иккинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

5) **82-модда**:

**биринчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

**иккинчи қисмининг**:

**диспозицияси** «муҳофаза этиладиган ландшафтлар» деган сўзлардан кейин «шу жумладан сувни муҳофаза қилиш зоналари, соҳил бўйи минтақалари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

**учинчи қисмининг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн беш бараваридан ўттиз бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўттиз бараваридан қирқ бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

6) **91-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**91-модда. Саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш**

Саноат чиқиндиларини, маиший чиқиндиларни ва бошқа чиқиндиларни тўплаш, ташиш, жойлаштириш, зарарсизлантириш, сақлаш, утилизация қилиш, қайта ишлаш, реализация қилиш чоғида табиатни муҳофаза қилиш талабларини бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса ёҳуд табиий муҳитга зарар етказган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

7) қуйидаги мазмундаги **$91^1$**, **$91^2$** ва **$91^3$-моддалар** билан тўлдирилсин:

«**$91^1$-модда. Белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек суюқ маиший чиқиндиларни тўкиш**

Белгиланмаган жойларга қаттиқ маиший чиқиндиларни ва қурилиш чиқиндиларини ташлаш, шунингдек суюқ маиший чиқиндиларни тўкиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**$91^2$-модда. Санитар тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича талабларни бузиш**

Санитар тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича талабларни бузиш —

фуқароларга энг кам иш ҳақининг иккидан бир қисмидан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**$91^3$-модда. Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат қилиш, шунингдек чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари бўйича кадастр ахборотларини тақдим этиш тартибини бузиш**

Чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида дастлабки ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартибини бузиш —

мансабдор шахсларга икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Чиқиндиларни кўмиш ва утилизация қилиш жойлари бўйича кадастр ахборотларини тақдим этиш тартибини бузиш —

мансабдор шахсларга икки бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

8) **123-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**123-модда. Транспорт воситаларидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш**

Поездларнинг вагонлари, автотранспорт воситалари ва шаҳар йўловчилар транспортидан ахлат ёки бошқа нарсаларни ташлаб юбориш —

энг кам иш ҳақининг бешдан бир қисмидан бир бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

9) **161-модданинг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

10) **$163^1$-модданинг санкцияси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса беш бараваридан етти бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

11) қуйидаги мазмундаги **$163^2$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$163^2$-модда. Сув таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш қоидаларини бузиш**

Сув таъминоти ва канализация хизматлари кўрсатиш қоидаларини бузиш —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, —

мансабдор шахсларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

12) **261-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органларига ушбу Кодекснинг 63-моддасида, 65-моддасининг иккинчи қисмида (бундан қишлоқ хўжалиги ерларини ва бошқа ерларни яроқсиз ҳолга келтирганлик мустасно), 68-моддасида (шаҳарлар ва посёлкаларнинг ерларига, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларга, сув фонди ерларига оид қисмида), 70-моддасида, $70^1$-моддасининг биринчи қисмида, 71-моддасида (табиатни муҳофаза қилишга оид қисмида), 72-моддасида (бундан термал ва ичимлик сувларига доир қисми мустасно), 73-моддасида, 74-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларида, 75-моддасида (бундан ирригация тармоқларидан олинадиган сувларни ҳисобга олиш мустасно, шунингдек давлат сув кадастрини юритишнинг белгиланган тартибини бузганлик учун), 77-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларида, 78, 79, 80, 81, 82, 83, 84-моддаларида, 85-моддасида (бундан санитария-гигиена қоидаларини бузиш деб ҳисобланувчи, атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш, биологик организмларни атмосфера ҳавосига чиқариб ташлаш мустасно), 86, 87, 88, 89-моддаларида (бундан атмосфера ҳавосига зарарли физикавий таъсир кўрсатиш мустасно), $89^1$-моддасида, 90-моддасининг биринчи қисмида, 91, $91^1$, $91^2$, $91^3$, 92, 93, 95-моддаларида, 96-моддасида (давлат экологик экспертизасига оид қисмида), 148-моддасида (бундан ажратилган минтақаларда ва ёғоч кўприклардан 100 метргача бўлган масофада олов ёққанлик, ёғоч кўприклар ва тахта тўшамали кўприкларда чекканлик учун маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар мустасно), 162-моддасида, $163^1$-моддасида (бундан уй-жойларни, жамоат, ишлаб чиқариш объектларини ва бошқа объектларни канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан улаб олиш мустасно), 214-моддасида (табиатни муҳофаза қилишга оид қисмида), 228-моддасида (табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда муҳрлар (пломбалар) қўйилган ҳоллар) назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир»;

13) қуйидаги мазмундаги **$266^4$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$266^4$-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси органлари**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси органларига ушбу Кодекс 72-моддасининг учинчи ва тўртинчи қисмларида (ичимлик эҳтиёжлари учун сув қудуқларини қазишнинг белгиланган қоидаларини ва технологиясини бузишга оид қисмида), 74-моддасида (ичимлик суви олишнинг белгиланган лимитларини бузишга доир қисмида), 75-моддасида (сув объектларидан олинадиган ичимлик суви миқдорининг дастлабки ҳисобини юритиш қоидаларини бузишга оид қисмида), 76-моддасида (ичимлик суви таъминоти ва канализация тизими объектларидан фойдаланиш қоидаларини бузишга доир қисмида), 163-моддасида (водопровод тармоқларига ўзбошимчалик билан уланиш ва ичимлик суви таъминоти водопроводидан фойдаланиш қоидаларини бошқача тарзда бузишга оид қисмида), $163^1$-моддасида (уй-жойларни, жамоат, ишлаб чиқариш объектларини ва бошқа объектларни канализация тармоқларига ўзбошимчалик билан улаб олишга доир қисмида), $163^2$-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар тааллуқлидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси органлари номидан маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва жарима солиш тариқасида маъмурий жазо чорасини қўллашга қуйидагилар ҳақлидир:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекциясининг бошлиғи ва унинг ўринбосари, бўлим бошлиқлари, бош мутахассислари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ичимлик сувидан фойдаланишни назорат қилиш давлат инспекцияси ҳудудий инспекцияларининг бош давлат инспекторлари ва давлат инспекторлари».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 5 апрелда қабул қилинган **«Чиқиндилар тўғрисида»**ги 362–II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 4–5, 72-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 604-модда; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 9, 247-модда; 2017 йил, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 4, 40-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **2-модда**:

**иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш** — чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида ҳисобга олиш ва назорат қилиш, чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утилизация қилиш жойларининг давлат кадастрини юритиш, чиқиндиларнинг ҳосил бўлиши, уларни тўплаш, жойлаштириш, ташиш, зарарсизлантириш, сақлаш, қайта ишлаш, утилизация ва реализация қилиш билан боғлиқ фаолият»;

қуйидаги мазмундаги **учинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«**чиқиндиларни зарарсизлантириш** — чиқиндиларни нейтрал ҳолга келтириш, дезактивациялаш, дезинфекциялаш, демеркуризациялаш, чиритиш, ёқиб юбориш, термик жиҳатдан қайта ишлаш ва кўмиб ташлаш билан боғлиқ фаолият»;

**учинчи — ўн учинчи хатбошилари** тегишинча **тўртинчи — ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш объектлари** — чиқиндиларни тўплаш, жойлаштириш, ташиш, зарарсизлантириш, сақлаш, қайта ишлаш, утилизация ва реализация қилиш учун фойдаланиладиган объектлар»;

**саккизинчи хатбошисидаги** «кўмиб ташлаш» деган сўзлар «зарарсизлантириш» деган сўз билан алмаштирилсин;

**ўнинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**чиқиндиларни сақлаш** — чиқиндилар зарарсизлантириш, қайта ишлаш ёки утилизация қилиш мақсадида олиб кетилгунига қадар уларни махсус жиҳозланган тўплагичларда сақлаш»;

2) **15-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахслар:

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида белгиланган санитария нормалари ва қоидаларига, экологик нормативларга риоя этиши;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чиқиндиларнинг ҳисобини юритиши, улар тўғрисида ҳисобот тақдим этиши;

чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи, атроф-муҳит учун хавфлилик даражасини белгиланган тартибда аниқлаши;

чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш нормативлари ва чиқиндиларни жойлаштириш лимитлари лойиҳаларини ишлаб чиқиши;

аҳоли пунктларининг умумий фойдаланишдаги ерларига, йўлларнинг четига, қатнов қисмига қурилиш ва маиший чиқиндилар ташланиши ҳамда жойлаштирилишининг олдини олиши;

чиқиндиларни тўплашни таъминлаши, ўзига тегишли бўлган биноларга яқин ёки туташ ҳудудларда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва вақтинчалик сақлаш учун контейнерлар (қутилар) ўрнатиши;

ресурс қимматига эга ва утилизация қилиниши лозим бўлган чиқиндиларнинг лозим даражада сақланишини таъминлаши ҳамда уларнинг йўқ қилиниши ва бузилишига йўл қўймаслиги;

ўзининг мулки бўлган чиқиндиларнинг утилизация қилинишига доир технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш чораларини кўриши;

чиқиндиларнинг аралашиб кетишига йўл қўймаслиги, бундан ишлаб чиқариш технологиясида назарда тутилган ҳоллар мустасно;

чиқиндиларнинг белгиланмаган жойларда ёки объектларда сақланиши, қайта ишланиши, утилизация қилиниши ва зарарсизлантирилишига, шунингдек бундай жойларга ёки объектларга жойлаштирилиши ҳамда ташланишига йўл қўймаслиги;

махсус техник мосламаларни қўлламаган ҳолда чиқиндиларни ёқиб юбормаслиги;

санитар тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш бўйича талабларни бузмаслиги;

чиқиндилар жойлаштирилган ўз объектларининг санитария ва экологик ҳолати устидан назоратни амалга ошириши;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш чоғида ҳолати бузилган ер участкаларида рекультивация ишларини ўтказиши;

чиқиндиларни мумкин қадар кўпроқ утилизация қилиш, уларни чиқиндиларни тўплаш, сақлаш ва утилизация қилиш билан шуғулланувчи бошқа юридик ва жисмоний шахсларга реализация қилиш ёки бериш чора-тадбирлари мажмуини амалга ошириши, шунингдек утилизация қилинмайдиган чиқиндилар экологик жиҳатдан хавфсиз тарзда зарарсизлантирилишини таъминлаши;

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органларига рухсат олинмаган тарзда атроф-муҳитга чиқиндилар чиқарилганлиги ҳолатлари тўғрисида ва кўрилган чоралар ҳақида белгиланган тартибда ахборот тақдим этиши;

чиқиндиларни жойлаштирганлик учун белгиланган тартибда компенсация тўловлари тўлаши;

чиқинди билан боғлиқ ишларни амалга ошириш натижасида фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига, атроф-муҳитга, юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрнини қоплаши шарт»;

3) **22-модда**:

**номи** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**22-модда. Чиқиндиларни сақлаш ва зарарсизлантиришга доир талаблар**»;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Саноат чиқиндиларини ва маиший чиқиндиларни махсус техник мосламаларсиз зарарсизлантириш тақиқланади»;

**иккинчи — бешинчи қисмлари** тегишинча **учинчи — олтинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

**бешинчи қисмидаги** «бундай жойларга кўмиб ташлаш» деган сўзлар «зарарсизлантириш» деган сўз билан алмаштирилсин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин;

ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 10 октябрь
№ ЎРҚ—495

---

*Қишлоқ врачлик пунктлари, оилавий ва кўп тармоқли поликлиникаларда аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиляптими? Уларда дори воситалари ва тиббий буюмлар таъминоти қандай?*

**ПАРЛАМЕНТДАГИ МУХБИРИМИЗ ХАБАР ҚИЛАДИ**

# Интеграциялашган фаолият

## тиббий хизмат сифатига қай даражада таъсир кўрсатади?



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан жорий йил ўтган даври давомида жойларда ушбу ҳолат атрофлича ўрганиб чиқилди.

Қўмита томонидан ўтказилган давра суҳбатида мазкур ўрганиш жараёнида алоҳида эътибор қаратилган масалалар — бирламчи тиббий санитария ёрдами муассасаларининг тез тиббий ёрдам ва стационар ёрдам кўрсатиш муассасалари билан ўзаро интеграциясини таъминлаш борасида олиб борилаётган ташкилий ва амалий саъй-ҳаракатлар атрофлича таҳлил қилинди, мавжуд муаммо ҳамда камчиликлар очиқ-ойдин айтиб ўтилди.

Тадбирда жойлардаги ўрганишларга кўра, бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг ўзаро интеграцияси йўлга қўйилгани, аммо бу бугунги давр талаби учун етарли эмаслиги таъкидланди.

Кўрилган туманлар ҚВП, қишлоқ оилавий поликлиникалари, туман ва шаҳар кўп тармоқли поликлиникаларидан вилоят муассасаларига даволаш, текширув, назоратга олиш бўйича йўлланма-алмашинув варақалари жорий қилинган, бироқ бу амалиётга тўлиқ татбиқ этилмаган. Масалан, Қашқадарё вилоятининг Қарши тумани марказий шифохонасида даволанаётган беморларнинг ёки туғруққа келган беморларнинг 10 — 12 фоизи қўшни туманлар аҳолиси ҳиссасига тўғри келади. Сурхондарё вилоятининг Денов тумани марказий шифохонасидаги беморларнинг кўпи Узун ва Олтинсой туманларидан келиб даволанаётгани кузатилди. Шунингдек, Бухоро вилоятининг Пешку тумани марказий шифохонаси болалар бўлимида муолажа олаётган беморларнинг барчаси йўлланмасиз ётқизилган.

Депутатларнинг қайд этишича, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш, ногиронлик ҳамда барвақт ўлимнинг олдини олишда, касалликларни эрта аниқлаш, вақтида даволаш, уларни диспансер назоратига олиб, реабилитация қилиш ва профилактик соғломлаштириш чораларини мунтазам амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Аҳолига тиббий хизмат учун қулайликлар яратиш, бунда соғлиқни сақлаш тизими барча бўғинининг фаолияти интеграцияси таъминланиши катта аҳамият касб этади.

Шундан келиб чиқиб, давра суҳбатида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасаларининг, хусусан, ҚВП, поликлиника, тез тиббий ёрдам ва тумандаги стационар муассасаларнинг ўзаро интеграциясини кучайтириш лозимлиги таъкидланди. Хусусан, фуқаролар, энг аввало, ҚВП ва оилавий поликлиникаларга мурожаат қилиши, ушбу муассасалардаги умумий амалиёт шифокори (УАШ) ёки тор соҳа мутахассислари томонидан беморнинг тиббий ҳолатидан келиб чиқиб, кўп тармоқли туман поликлиникасига юборилиши, ушбу муассаса тор соҳа мутахассиси томонидан амбулатор даволаниш учун маслаҳат берилиб, ҳудудий ҚОП ёки ҚВПга қайтарилиши ёки стационар даволаниш учун йўлланма берилиши зарур. Тез тиббий ёрдам кўрсатиб, уйида қолдирилган фуқаролар тўғрисида тегишли поликлиника ёки ҚВПга мунтазам равишда ахборот бериб борилиши эса беморлар учун қулайлик яратиш билан бирга, стационар шифо ўринларидан самарали фойдаланиш, беморлар саломатлигини доимий назорат қилиб бориш имконини кенгайтиради.

Қизғин баҳс-мунозара руҳида ўтган давра суҳбатида амбулатор-поликлиника, тез тиббий ёрдам, туман кўп тармоқли марказий поликлиникаси ва стационар муассасалари фаолиятини ўзаро интеграциялашган ҳолда олиб боришнинг муҳим жиҳатлари хусусида сўз юритилди. Бу борада амалиётда учраётган муаммо ва камчиликлар таҳлил этилиб, уларнинг ечимига доир таклифлар илгари сурилди.

Якунда қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Зиёда АШУРОВА.**




# Ҳамкорликнинг стратегик истиқболлари




Шу маънода, жорий йил 8-9 октябрь кунлари Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга амалга оширилган расмий ташрифи кўп томонлама ўзбек — француз муносабатларига янгича руҳ бериш йўлида кейинги йилларда янада фаоллашган ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Ташриф мобайнида давлатимиз раҳбари Франция Президенти Эммануэль Макрон, Франция Сенати Раиси Жерар Ларше, шунингдек, ушбу мамлакатнинг энг йирик компания ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан учрашди. Ўзбекистон етакчиси ЮНЕСКО бош директори Одри Азуле билан музокаралар ўтказди.

Кун тартибидан ўзбек — француз сиёсий мулоқотини янада мустаҳкамлаш, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни ривожлантириш, маданий-гуманитар алмашинувларни фаоллаштириш масалалари ўрин олди. Автомобиллар ташуви, сайёҳлик, ҳарбий-техникавий ҳамкорлик, коинотни тадқиқ қилиш, инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш, маданият ҳамда бошқа соҳаларга дахлдор ҳукуматлараро ва вазирликлараро 10 та ҳужжат имзоланди.

Қайд этиш жоизки, ташриф арафасида томонлар умумий қиймати 5 миллиард еврога яқин инвестиция лойиҳалари бўйича келишувлар, Франция тараққиёт агентлиги билан умумий қиймати қарийб 600 миллион евро бўлган инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш бўйича ҳамкорлик дастури қабул қилинди.

## Якдил қарашлар

Француз томони бугун Ўзбекистонда амалга оширилаётган Ҳаракатлар стратегияси Франция етакчисининг ислоҳотлар дастури билан, аввало, сиёсий ва иқтисодий модернизация, қонун устуворлигини таъминлаш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, ҳокимият органлари ишини халқ ва давлат манфаатларига хизмат қилишга йўналтириш борасида ўхшаш жиҳатлар борлигини қайд этди.

Икки давлатнинг долзарб халқаро ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишга доир ёндашувлари яқин ёки мос экани эътироф этилиб, минтақавий ҳамда халқаро ҳамкорлик, хавф-хатарларга қарши биргаликда курашишнинг янги шаклларини ривожлантириш муҳимлигига эътибор қаратилди. Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, минтақа давлатларининг изчил тараққиётга эришиш мақсадида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳамда яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришда муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Давлат раҳбарлари минтақада тинчлик ва осойишталикни таъминлашнинг муҳим шарти сифатида Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш зарурлигини яна бир бор қайд этдилар.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Франция ҳукуматлараро комиссияси фаолиятига алоҳида урғу берилди. Ўзаро савдо ҳажмини кўпайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида истиқболли инвестиция лойиҳаларини рўёбга чиқариш муҳимлиги айтилди.

Шуниси диққатга сазоворки, олий даражадаги ташриф Ўзбекистон билан икки томонлама алоқаларни ривожлантиришга кучли қизиқиш билдираётган Франция томони таклифи билан бўлиб ўтди. Масалан, "Veolia" француз компанияси Ўзбекистон билан мамлакатнинг сув таъминоти тизимларини модернизация қилиш бўйича келишувга эришди, "Orano" уран конларидаги қазиш ишларида иштирок этмоқчи, "Thales" компанияси космик технологияларни ривожлантириш соҳасида ҳамкорлик қилиш ниятида, "Airbus" эса юк самолётларини етказиб бериш ҳаракатида.

Бугун, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бир томондан, Ўзбекистонда ҳаётнинг барча жабҳасини эркинлаштириш ва модернизация қилиш бўйича рўёбга чиқарилаётган кўп қиррали ислоҳотлар, бошқа тарафдан — расмий Тошкентнинг мамлакат атрофида хавфсизлик ва барқарорлик белбоғини яратиш йўлидаги фаол ҳаракатлари ҳамда булар Парижнинг Марказий Осиёдаги сиёсатига ҳамоҳанг эканлиги мазкур жараёнларга ўзгача суръат бахш этмоқда. Минтақага нисбатан Франция позицияси Марказий Осиёдаги барча давлатлар суверенитети, хавфсизлиги ва фаровонлигини ёқлаши билан ҳамиша ажралиб турган.

## Ҳар жабҳада ижобий кўрсаткич

Кейинги йилларда ўзбек — француз муносабатларида ҳамкорликнинг кўплаб соҳаларида ижобий натижаларга эришилганини мамнуният билан қайд этиш мумкин.

**Биринчидан,** *Ўзбекистон ва Франция ўртасида сиёсий мулоқотлар фаоллашди. 2017 йилнинг май ойида Парижда ва шу йилнинг апрель ойида Тошкентда Ўзбекистон ҳамда Франция ташқи ишлар вазирларининг учрашувлари бўлиб ўтди. Музокаралар якунига кўра, ташқи ишлар вазирликлари раҳбарлари томонидан Ўзбекистон ва Франция ТИВнинг 2017-2018 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури имзоланди. Бу томонларнинг олий даражадаги сиёсий мулоқотни кучайтиришга эътибор қаратаётганидан далолатдир.*

**Иккинчидан,** *аввалги йилларда йўлга қўйилган парламентлараро алоқаларга янги суръат берилди. 2017 йил октябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Франция Республикаси Сенати билан ҳамкорлик бўйича гуруҳининг амалдаги таркиби янгиланди.*

Ўзбекистон парламенти жамият тараққиётига таъсир кўрсатиш имконини берувчи сифат жиҳатидан ўзгача, реал ваколатларга эга бўла бошлаган бир пайтда қонун чиқарувчи органимиз Европанинг демократия ривожланган мамлакатларидан бўлмиш Франциядаги парламент фаолиятининг шакл ва механизмларини ўрганишдан манфаатдор.

**Учинчидан,** *савдо-иқтисодий ҳамкорликда ҳам ижобий ўсиш кузатилди. 2018 йил биринчи ярми якунларига кўра, товар айирбошлаш ҳажми 146,2 миллион долларни ташкил қилди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 12 фоиз кўп.*

Бундан ташқари, 2001 йилдан буён Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик бўйича ўзбек — француз ҳукуматлараро комиссияси фаолият кўрсатмоқда. Шу йилнинг июль ойида Францияда ўтказилган комиссиянинг сўнгги (еттинчи) йиғилиши якунларига кўра, ўзбек маҳсулотларини "кўҳна қитъа"нинг ушбу давлатига тўғридан-тўғри етказишни мақсадли равишда ташкил этиш учун Францияда илк бор Ўзбекистон савдо уйи очилди.

Француз компаниялари ўзбек шериклари билан ҳамкорлик қилишга амалий қизиқиш билдираётгани диққатга сазовор. Хусусан, ўтган йили "Uzbekistan Peugeot Citroen Automotive" ўзбек — француз қўшма корхонасини барпо этиш бўйича лойиҳа ижросига киришилди. Ушбу заводни 2018 йил охирида фойдаланишга топшириш кўзда тутилмоқда.

**Тўртинчидан,** *ўзаро алоқаларда маданий-гуманитар ҳамкорлик алоҳида ўрин тутади. Бу соҳадаги муносабатлар доирасида Франция вакиллари Самарқанддаги "Шарқ тароналари" халқаро фестивалида мунтазам қатнашмоқда. Самарқанд ва Лион, Хива ҳамда Версаль, Бухоро ва Руэй-Мальмезон биродарлашган шаҳарлардир.*

Таълим ва фан, айниқса, Ўзбекистоннинг ўқув даргоҳларида француз тили ва адабиётини ўрганиш борасида Франция билан ҳамкорлик муваффақият билан ривожланаётгани кузатилмоқда.

Айни пайтда республикадаги 1260 та мактабдаги 300 мингдан зиёд ўқувчиларга, коллеж ва лицейларда, шунингдек, 8 та олий ўқув юртида француз тили ўргатилмоқда. Немис тили билан бир қаторда, француз тили юртимиз таълим муассасаларида ўқитилаётган иккинчи (инглиз тилидан кейин) энг оммабоп тил саналади.

Францияда 1988 йилда асос солинган Темурийлар даври санъати ва тарихини ўрганиш бўйича уюшма ҳамда 2004 йилда ташкил топган "Авиценна-Франция" ассоциацияси фаолият олиб бормоқда.

Қолаверса, Тошкентда француз адабиётининг 8 мингдан ортиқ номдаги фондини ўзида жамлаган бой кутубхонага эга "Француз Альянси" ишлаяпти. Ушбу ташкилот француз тилини ўрганиш истагида бўлганлар учун курслар ўтказади.

**Бешинчидан,** *охирги пайтларда туризм соҳасидаги ҳамкорликнинг сезиларли даражада кучайгани икки давлат фуқароларининг ўзаро саёҳатлари ўсишига олиб келди. Франция сенатори А. Ришар қайд этганидек, "Ўзбекистоннинг бой маданий меросини инобатга олсак, сайёҳлик соҳасидаги ҳамкорлик муҳим йўналиш бўлиб қолади".*

Маълумот сифатида келтириб ўтиш ўринлики, 2016 йилдан 2017 йилгача бўлган даврда Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар сони 4,8 мингдан 5,7 минг кишига етди. Жорий йилнинг 8 ойида эса бу кўрсаткич 9,1 минг нафарни ташкил қилди. Бир неча кун аввал Президентимиз Фармони билан Франция фуқаролари учун визасиз кириш тартиби жорий этилди ва у 5 октябрдан кучга кирди.

## Устувор йўналишлар

Ўзбекистон Президентининг Парижда ЮНЕСКО раҳбарияти, Франция Сенати Раиси ва мамлакатнинг энг йирик компаниялари вакиллари билан ўтказган музокаралари самарали бўлиб, бу ўзбек — француз ҳамкорлигини ривожлантиришнинг стратегик аҳамияти муҳим эканидан далолатдир.

Халқаро майдонда тобора юксак сиёсий мавқега эга бўлиб бораётган Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш Европа иттифоқи билан муносабатларни шакллантиришда ҳам муҳим роль ўйнайди. Шунингдек, икки томонлама ҳамкорлик минтақавий можаролар, жумладан, афғон масаласини ҳал қилиш, Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатини модернизациялашда кучли туртки беради.

Бугунги кунда мамлакатларимиз ўртасидаги икки томонлама муносабатларда сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт ва коммуникация, молиявий ҳамда сармоявий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар алоқаларни ривожлантириш муҳим устувор йўналишлардан ҳисобланади. Шунингдек, бу алоқалар минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича қатор соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни фаоллаштиради.

Умуман олганда, Франция тажрибаси ва салоҳиятини ўрганиш мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий йўналишда устувор лойиҳаларни амалга юксалтириш, таълим тизими сифатини юксалтириш, иқтисодиётни саноат ва технологик жиҳатдан модернизациялаш ҳамда унинг таркибий жиҳатдан диверсификациялашга яқиндан кўмак беради.

Франция томони ўзбек — француз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага кўтаришга тайёрлигини билдирди. Франциялик мутахассисларнинг фикрича, айни пайтда мазкур давлат Марказий Осиё минтақаси мамлакатлари, авваламбор, динамик ўзгаришларни амалга ошираётган Ўзбекистон билан муносабатларни фаоллаштириш учун қулай шароитга эга.

Расмий Париж учун стратегик аҳамиятга эга бўлган масалалар, яъни дунёнинг етакчи давлатлари раҳбарлари билан алоқаларни изчил олиб бориш, глобал муаммоларни ва жаҳоннинг бошқа минтақаларидаги низоларни ҳал қилишда француз раҳбарияти саъй-ҳаракатларини кучайтирмоқда. Франциянинг ҳозирги ҳукумати халқаро терроризм ва радикализмга қарши курашни мамлакат ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидан бири, деб ҳисоблайди. Ўзбекистоннинг мазкур жабҳадаги муваффақиятли тажрибаси юртимиз билан ҳамкорликни ривожлантиришда расмий Парижнинг қизиқишлари юқорилигини кўрсатади.

Марказий Осиё сўнгги йилларда географик жойлашуви туфайли Европани Осиё билан боғловчи йўлакка айланди. Бой табиий ресурслар ва юқори даражадаги инсоний салоҳиятга эга минтақа Франция учун ҳам жозибали бўлиб боряпти. Бундан ташқари, Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодий ўсиши (ўртача 3,5 фоизда), шунингдек, қўшни давлатлар ўртасидаги ижобий муҳит француз бизнеси ҳамда "ноу-хау"лар учун катта имконият яратади.

Расмий Парижга кўра, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан конструктив ва яхши қўшничиликка асосланган сиёсати француз ташқи сиёсатига мувофиқ тарзда, минтақада янада ижобий муҳитни яратишга имкон беради.

Ҳар икки мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёни янги босқичда нафақат ўзбек — француз, балки Ўзбекистон ва Европа иттифоқи стратегик ҳамкорлигининг кўп қиррали муносабатларини татбиқ қилиш учун янги имкониятлар очади.

Шу ўринда пойтахтимизда Европа тикланиш ва тараққиёт банки фаолиятининг қайта йўлга қўйилиши бежиз эмаслигини айтиш керак. Чунки қисқа вақт ичида ЕТТБ Ўзбекистон учун 2018 — 2023 йилларга мўлжалланган янги стратегияни қабул қилди. Бу дастур очиқ, интеграциялашган ва экспортга йўналтирилган иқтисодиётни кўзда тутади.

Наинки Европада, балки бутун дунёда энг юқори технологияларга эга Франция билан сиёсий, савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар алоқаларни янада ривожлантириш Ўзбекистоннинг халқаро мақомини ҳамда обрўсини ошириш, юқори сифатли инвестициялар ва илғор технологияларни жалб қилиш, сайёҳлар оқимини кўпайтириш имконини беради. Шунингдек, ўзбек маҳсулотларини ушбу мамлакатга экспорт қилиш имкониятини кенгайтиради. Расмий Париж шундай аниқ тасаввурга эгаки, барқарор, жадал ривожланаётган Ўзбекистон Франция ёки Европа иттифоқи учунгина эмас, бутун халқаро ҳамжамият учун узоқ муддатли стратегик шерик бўла олади.

**Улуғбек НОРМАТОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти етакчи илмий ходими.**

# Франция матбуотида бош мавзу – Ўзбекистон!

У ўз маъмуриятини қайта ташкил этди, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар фаолиятини тартибга келтирди, мажбурий меҳнатга барҳам берди, энг муҳими, ташқи сиёсатда очиқликни таъминлаб, қўшни давлатлар билан муносабатларни яхшилади. Натижада бу мамлакатдаги кўплаб соҳалар қатори туризмни ривожлантиришга ҳам туртки бермоқда. Бу каби ислоҳотлар Ғарбда қўллаб-қувватлангани учун ҳам Парижга ташриф муҳим аҳамиятга эга бўлди", дейилади газетада.

**"L'Energeek"** журналида "Ўзбекистон қайта тикланувчи энергия манбаларига эътибор қаратмоқда" сарлавҳали материал эълон қилинди. "Мамлакатда йилнинг 320 кунида қуёш чарақлаб туради. Жаҳон банки ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистоннинг қайта тикланадиган энергия манбаларидаги салоҳияти 98,5 фоизни ташкил этади. Бу жуда юқори кўрсаткичдир", дейди мутахассислар.

Иқтисодий йўналишдаги йирик нашрлардан бири — **"abcbourse"** портали икки давлат раҳбарларининг учрашувига атрофлича тўхталиб, Франция Президенти Эммануэль Макроннинг сўзларидан иқтибос келтиради: "Биз Ўзбекистон билан ҳар томонлама ҳамкорликдан манфаатдормиз. Сув ресурсларини бошқаришда "Veolia" ва "Suez", туризм соҳасида "Bouygues", қуёш энергияси йўналишида "Total" каби компаниялар билан имзоланган келишувлар шундан дарак беради".

Француз тилидаги яна бир йирик нашр — **"L'Opinion"** газетасида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга расмий ташрифи муносабати билан Европада истиқболли таҳлил ва хавфсизлик институти президенти Эммануэль Дюпюи билан суҳбат уюштирилди. Унда Ўзбекистоннинг афғон муаммосини ҳал этиш бўйича ташаббуслари алоҳида эътироф қилинган.

АҚШнинг **"The State"** газетасидаги "Ўзбекистон етакчиси илк бор Европа иттифоқи мамлакатига ташриф буюрди" сарлавҳали мақола ҳам таҳлилга бой. Унда айтилишича, Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуслари Марказий Осиё минтақасида янги ижобий муҳитга асос бўлмоқда.

Испаниянинг номдор **"Lavanguardia"** газетасида ҳам Ўзбекистон етакчисининг Францияга ташрифига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, унда шундай дейилади: "Шавкат Мирзиёев Эммануэль Макрон билан музокараларга қадар бир қанча самарали учрашувлар ўтказди. Париж шаҳридаги ЮНЕСКО бош қароргоҳида ушбу ташкилот Бош директори Одри Азуле билан мулоқот қилди. Унинг якунида Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасида 2018 — 2021 йилларга мўлжалланган қўшма Ҳаракатлар режаси қабул қилинди. Мазкур ҳужжат муносабатларни янги босқичга кўтаришга қаратилган. Давлат раҳбари, шунингдек, Франция Сенати Раиси Жерар Ларше билан учрашди. Франция Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 60 йиллиги муносабати билан Шавкат Мирзиёев парламент раҳбарига ўзбек ва француз тилларида чоп этилган Франция Конституциясининг илк нусхасини совға қилди".

Ўзбекистон Президентининг Францияга расмий ташрифи, шунингдек, **"La diplomatie"**, **"The Telegraph"**, **"Washington Post"** ва бошқа номдор нашрларда ҳам кенг ёритилди.

**Анвар МИРЗАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

# «Академик пальма» орденининг юртимиздаги соҳиблари

Француз тили Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ўқитиладиган асосий тиллардан ҳисобланиб, уни ҳозирги кунда 160 дан ортиқ талабалар мутахассислик тили сифатида, 1500 дан зиёд йигит-қизлар иккинчи чет тили сифатида ўрганмоқда. Магистратура мутахассислиги бўйича 10 нафар талаба таҳсил оляпти.

Университетнинг Роман-герман филологияси факультетида Француз тили назарияси ва амалиёти кафедраси мавжуд бўлиб, ушбу кафедра француз тили бўйича нафақат мазкур таълим даргоҳи, балки республикамиздаги барча турдош таълим муассасалари учун шу тил бўйича ўқув-методик ресурсларни тайёрлашга масъул ҳисобланади. Бугунги кунда кафедрада 26 нафар профессор-ўқитувчи фаолият олиб боряпти.

— Педагогларимизнинг 4 нафари Франциянинг нуфузли "Академик пальма" ордени соҳибларидир, — дейди Роман-герман филологияси факультети декани Ҳамидулло Ҳакимов. — Ушбу орден Франция ҳукумати томонидан француз тили ва маданиятини ўқитишда кўрсатилган алоҳида хизматлари учун бериладиган юксак мукофотдир. Кафедрада ёш мутахассисларни ишга жалб қилиш борасида ҳам фаол саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Масалан, жорий ўқув йилида магистратурани битирган уч нафар ёш мутахассис кафедрага ишга олинди. Уларнинг ҳар учаласи ҳам университетнинг халқаро лойиҳаси доирасида камида бир семестр давомида Францияда ўқиб келган магистрлар саналади.

Амалга оширилаётган барча ишларда Ўзбекистон ва Франция ўртасида ўрнатилган дўстлик ҳамда ҳамкорлик алоқалари муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Дилшод КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Содиқ САФОЕВ:
# «Парламентлараро мулоқотни чуқурлаштириш мақсадларимизга муштарак»



Люксембург саройида Франция Сенати миллий тотувлик, демократия, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг ишончли ҳамда мустаҳкам кафолати сифатида қарор топди. Айнан шу ерда жаҳон халқларига илҳом бахш этиб келаётган Франция Республикасининг миллий шиори — "Эркинлик, тенглик, биродарлик" тамойили авлоддан-авлодга ўтказилмоқда, мустаҳкамланмоқда.

Айтиш жоизки, Ўзбекистоннинг мақсади — ҳуқуқ устуворлигига асосланган дунёвий, демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти ва бозор муносабатларини ривожлантириш. "Инсон манфаатлари барча нарсадан устун" шиори ислоҳотларимизнинг асосий мазмунини ташкил этади. Шу мақсадда давлат бошқаруви органларининг очиқ-ошкоралигини, уларнинг халқ олдидаги ҳисобдорлигини таъминлаш йўлида дадил қадамлар ташланди. Шуларга мос равишда фуқаролар, партиялар, ноҳукумат ташкилотларнинг сиёсий фаоллиги ошмоқда. Оммавий ахборот воситалари эса тобора фаол ва мустақил бўлиб бораётир.

Франциялик ҳамкорларга, аввало, Франция Сенатидаги ҳамкорларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларни қўллаб-қувватлагани учун миннатдорлик билдирилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Франция Республикаси Парламенти дўстлик гуруҳи доирасидаги ҳамкорлик кейинги йилларда сезиларли даражада фаоллашди. Шу ўринда "Франция — Марказий Осиё" ҳамкорлик гуруҳига раҳбарлик қилаётган Натали Гуле хонимнинг бу борадаги хизматларини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Президентимизнинг парламентлараро мулоқотнинг бундан буён ҳам чуқурлаштирилиши бошқа соҳалардаги муносабатларни ривожлантиришга, "халқ дипломатияси"ни, мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга кўмаклашади, деган фикрлари биз, парламент аъзолари зиммасига янада катта масъулият юклайди.

Парламентлараро алоқалар тизимли асосда изчил ривожланиши учун Ўзбекистон ва Франция ўртасида доимий парламентлараро мулоқот таъминланади. Шу асосда, энг аввало, савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик соҳасида икки томонлама муносабатларнинг ҳуқуқий базасини шакллантириш ва ривожлантириш ишлари амалга оширилади. Бундан ташқари, қонун ижодкорлиги, парламент назорати ва ислоҳотлар ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши борасида тажриба алмашиш ҳам муҳим аҳамият касб этади, албатта.

Мамнуният билан айтиш керакки, Франция Сенати Раиси Жерар Ларше юртимизда иқтисодиётни тубдан модернизация қилиш, аҳоли фаровонлигини ошириш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда ривожлантириш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли демократик ислоҳотлар ва ижобий янгиланишларни юксак баҳолади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ**
**ёзиб олди.**

# Самарқандга ўзгача меҳр қўйган француз ёзувчиси



**Адабиёт**

*Президентимизнинг Францияга расмий ташрифи доирасида Ўзбекистон Республикасининг Париждаги элчихонасида ўз салоҳияти ва изланишларини юртимиз тарихи билан боғлаган бир гуруҳ маданият ходимларига Самарқанд шаҳрининг фахрий фуқароси унвонини топшириш маросими бўлиб ўтди. Улар орасида таниқли француз ёзувчиси Амин Маалуф ҳам бор. Бу адибнинг номи ўзбек китобхонларига ҳам яхши таниш бўлиб, унинг машҳур "Самарқанд" романи француз тилидан ўзбек тилига ўгирилиб, "Жаҳон адабиёти" журналининг 2003 йил 6-7, 2005 йил 7-8 сонларида чоп этилган.*

Шарқ мавзуига алоҳида эътибор берган Амин Маалуф 1949 йилда туғилган. Унинг "Африка арслони", "Самарқанд", "Оймомадаги боғлар", "Беатричадан кейинги биринчи аср" асарлари турли миллат китобхонлари томонидан севиб мутолаа қилинади. "Таниос қояси" асари учун Гонкур мукофотига сазовор бўлган ёзувчининг "Самарқанд" асари ҳақида таниқли француз адиби Жил Демер шундай ёзади: "Амин Маалуф ўзининг "Самарқанд" асари билан шарқона романнавислик истеъдодини намоён қилиб, француз адабиётида янгича бир йўналиш оча олди".




Мазкур романда Амин Маалуф шоир ва файласуф Умар Ҳайёмнинг Самарқанддаги ҳаёти, XI асрдаги ижтимоий-сиёсий ҳаёт талқини, янги пайдо бўлаётган турли диний мазҳаблар кураши ва ниҳоят, XIX асргача мусулмон дунёсида номаълум бўлган шоир рубоийлари қўлёзмасининг Европадаги шон-шуҳрати ҳамда бу қўлёзманинг 1912 йилда "Титаник" кемасининг машъум ҳалокати оқибатида океан қаърига чўкиб кетишига оид қизиқарли саргузаштларни юксак иқтидор билан тасвирлаган. 1988 йилда Париждаги "Матбуот уйи" мукофотига сазовор бўлган "Самарқанд" романи муқаддимасида ёзувчи, жумладан, шундай дейди: "Шундан бери кундан-кунга қон ва разолатга ботиб бораётган ушбу дунёда ҳаёт бирон марта менга кулиб боқмади. Бу ҳалокат ҳақидаги одамларнинг хотираларини эшитмаслик учун улардан қочадиган бўлиб қолдим. Бироқ қалбимдаги умид чироғи ҳам ҳеч қачон ўчмади: эрта бир кун уни, албатта, сув қаъридан олиб чиқадилар, олтин қутича ичида сув ости лойқаларидан омон қолган бу ажойиб китобнинг тақдири янги саргузаштлар билан бойийди. Одамларнинг бармоқлари яна унинг нафис саҳифаларини сийпалайди. Рубоийларни ўқиб ҳайратдан лол қолган китобхонлар, унинг ҳошияларига битилган шоир саргузаштларидан ҳам воқиф бўладилар. Ихлосмандлар буюк шоирнинг қалбини, унинг дастлабки шеърларини, қалб туғёнларини қайтадан кашф қиладилар. Китобни ўқиб чиқишгач, аллақачон оламдан ўтиб кетган бу ажойиб инсоннинг мислсиз қуввайи ҳофизасига қойил қолишиб, бу қумранг ёдгорлик олдида чуқур ўйга толадилар.

Бу китобда на бирон сана, на биронта имзо бор эди. Уларнинг ўрнига фақатгина оташқалб шоирнинг қуйидаги бағишловинигина ўқиш мумкин эди: "Самарқанд сайқали рўйи замин аст!"

Француз ёзувчиси, Самарқанд шаҳрининг фахрий фуқароси Амин Маалуф буюк Амир Темур салтанатининг пойтахти ҳақидаги қадим иборани яна бир бор дунё бўйлаб жаранглатгани туфайли ҳам биз учун қадрлидир.

**Гулчеҳра ОМОНТЎРАЕВА тайёрлади.**

# АСОСИЙ ЭЪТИБОР ЭКСПОРТГА ҚАРАТИЛАДИ



*Давлатимиз раҳбари Андижон вилоятининг Жалақудуқ туманида ишлаб чиқариш корхонаси мавжуд эмаслиги боис хотин-қизлар бандлигини таъминлаш долзарб эканлигига эътибор қаратган эди. Акциядорлик тижорат “Алоқабанк”нинг молиявий кўмаги натижасида ҳудудда 100 нафар хотин-қиз доимий иш жойига эга бўлиши мана шу муҳим вазифа ижроси йўлидаги самарали қадамлардан саналади.*

**ТАШАББУС**

— Банк раҳбарияти ташаббуси билан тадбиркор Рустамжон Камоловнинг истиқболли лойиҳаси амалга оширилиши туфайли шундай имконият пайдо бўлди, — дейди банкнинг Андижон вилояти филиали раҳбари Адҳамжон Ўринбоев. — Жамоа сафига олинган хотин-қизлар барча турдаги кийим-кечаклар тикиш малакасини эгалладилар. Илк маҳсулотга Россия Федерациясидан буюртмалар қабул қилинди.

Йил давомида 600 минг дона кийим-кечак тайёрланиб, экспорт қилинадиган, “Great rich” масъулияти чекланган жамиятига қарашли корхона 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги маблағ эвазига бунёд бўлди. Шундан 150 минг АҚШ долларини банк кредити ташкил этди. Молиявий кўмак туфайли Хитой давлатида ишлаб чиқарилган энг замонавий тикув дастгоҳлари олиб келинди. Йил давомида 360 минг АҚШ доллари қийматидаги маҳсулот Марказий Осиё, Россия ва Европа давлатларига экспорт қилиниши режалаштирилган. Бугина эмас, айни пайтда банк кўмаги билан яна бир цехда болалар тагликлари ишлаб чиқариш учун тайёргарлик ишлари ниҳояланмоқда. Цех фаолияти йўлга қўйилгач, яна 100 та иш ўрни ва йилига 12,5 миллион дона маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти юзага келади.

Эътиборлиси, туманнинг Ойим ҳамда Ёрқишлоқ маҳаллаларида ҳам шу каби корхоналарни ишга тушириш режалаштирилган.

**Саминжон ҲУСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Хурсандбек АРАББОЕВ олган сурат.

# Қишлоқ мактабига Франциядан туҳфа

*Ғиждувон туманидаги 62-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати кутубхонасидан юзлаб ўқув қўлланмалари, дарсликлар ўрин олган. Жавонларда Францияда чоп этилган кўплаб китоблар бор. Улар Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан туҳфа қилинган.*

**Имконият**

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки бу ерда француз тили чуқур ўргатилади. Қишлоқ мактабининг Франциядаги бир қатор етакчи ўқув муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатганига ҳам йигирма йилдан ошди. Элчихона ходимлари ва француз мутахассисларининг ташриф буюриши анъанага айланган. Муассасада элчихона ташаббуси билан бир неча бор француз тили ўқитувчиларининг республика миқёсидаги илмий-амалий семинарлари ўтказилгани ҳам фикримиз тасдиғидир. Шу боис мазкур даргоҳга “Франциянинг Ўзбекистондаги мактаби” дея таъриф беришади. Таълим муассасасида ўқиш истагидаги ўғил-қизлар эса кўп. Улар Давлат тест маркази томонидан махсус синовлардан ўтказилиб, мактабга қабул қилинади. Билим даргоҳи ўқувчилари сафида нафақат Бухоро, балки қўшни вилоятлардан келган ёшларни ҳам учратиш мумкин.

— Ўндан зиёд ўқувчиларимиз республика фан олимпиадалари, “Билимлар беллашуви”да ғолиб бўлишган, — дейди мазкур муассаса директори М. Мухторов. — Икки нафар француз тили ўқитувчимиз “Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси” кўрик-танловининг республика босқичида биринчиликни эгаллади. Шодиёр Нишонбоев, Гулноза Раҳмонова сингари француз тили муаллимларининг тажрибаси вилоят миқёсида ўрганилиб, оммалаштирилган.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

РОССИЯДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МЕТАЛЛ ПРОКАТ ҚУЙИДАГИ АССОРТИМЕНТДА ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРДА МАВЖУД:

РУХЛАНГАН ЎРАМЛАР
0,4 х 1250 — 10 500 000 сўм/тонна
0,45; 0,5; 0,7 — 9 750 000 сўм/тонна



ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПЎЛАТ
RAL 3005 0,45х1250 — 12 700 000 сўм/тонна
RAL 6005 0,45х1250 — 12 700 000 сўм/тонна
RAL 8017 0,45х1250 — 12 700 000 сўм/тонна
RAL 9003 0,45х1250 — 12 700 000 сўм/тонна
RAL 6005 0,50х1250 — 12 200 000 сўм/тонна



ИССИҚ ПРОКАТДАН ҚИЛИНГАН ЛИСТЛАР
1,8х1000х2000 — 8 500 000 сўм/тонна
1,8х1250х2500 — 8 500 000 сўм/тонна
2,8х1250х2500 — 7 900 000 сўм/тонна
Шунингдек, буюртма бўйича ҳам ишлаймиз.
Кенг ассортиментда металл прокат. Тўлов шакли — нақд пулсиз.
e-mail: stal-invest@inbox.uz
Тел.: 95 475-00-65.
Хизматлар лицензияланган.
817R/295

ПРОФНАСТИЛ
ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйидаги маҳсулотларни тақдим этади:
гальванизацияланган ва полимер қопламали
ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ
гофраси баландлиги: С-18, С-35, С-57
Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.
Россия Федерациясининг металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.



ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ
• 0,4 мм. — 39 700 сўм/п.м. • 0,5 мм. — 49 800 сўм/п.м.
• 0,45 мм. — 45 500 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 71 000 сўм/п.м.
ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ
• RAL 3005,6005,8017 0,45 мм. — 53 200 сўм/п.м.
• RAL 3005,6005,8017 0,5 мм. — 57 600 сўм/п.м.
Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: 90 996-96-63, 99 871-88-99.
872R/295

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти
таянч докторантура ва докторантура ҳамда мустақил изланувчиликка қуйидаги ихтисосликлар бўйича 2019 йил учун қабул эълон қилади:

ТАЯНЧ ДОКТОРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРА
(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

05.00.00 — Техника фанлари:
05.05.07 — Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналари.
*Таянч докторантура — 1 ўрин.*
05.07.01 — Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш.
*Таянч докторантура — 2 ўрин.*
*Докторантура — 1 ўрин.*
05.09.06 — Гидротехника ва мелиорация қурилиши.
*Таянч докторантура — 1 ўрин.*
05.09.07 — Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси.
*Таянч докторантура — 1 ўрин.*
06.00.00 — Қишлоқ хўжалиги фанлари:
06.01.02 — Мелиорация ва суғорма деҳқончилик.
*Таянч докторантура — 2 ўрин (техника фанлари бўйича).*
*Докторантура — 1 ўрин (техника фанлари бўйича).*
06.01.10 — Ер тузилиши, кадастр ва ер мониторинги.
*Таянч докторантура — 1 ўрин (техника фанлари бўйича).*
07.00.00 — Тарих фанлари:
07.00.01 — Ўзбекистон тарихи.
*Таянч докторантура — 1 ўрин.*
08.00.00 — Иқтисод фанлари:
08.00.04 — Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти.
*Таянч докторантура — 3 ўрин.*
11.00.00 — География фанлари:
11.00.05 — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш.
*Таянч докторантура — 1 ўрин.*
11.00.07 — Геоинформатика.
*Таянч докторантура — 2 ўрин.*
13.00.00 — Педагогика фанлари:
13.00.05 — Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси.
*Таянч докторантура — 1 ўрин.*

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:
Таянч докторантурага:
- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси диплими, олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлган ишлар тақдим этилади).

Докторантурага:
- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабгорлар учун);
- олий маълумот, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари (фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси ёхуд уларга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар олгандан сўнг муҳим илмий ютуқларга эришган, шу жумладан, фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий журналларда чоп этилган камида учта илмий мақола ҳамда илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва тегишли илмий йўналишлар бўйича илмий ишлар тўпламларида камида иккита тезисга эга бўлган ишлар тақдим этилади).

Мустақил изланувчиликка
*(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)*

05.00.00 — Техника фанлари:
05.05.07 — Қишлоқ хўжалигида электр технологиялар ва электр ускуналари.
05.07.01 — Қишлоқ хўжалиги ва мелиорация машиналари, қишлоқ хўжалиги ва мелиорация ишларини механизациялаш.
05.09.06 — Гидротехника ва мелиорация қурилиши.
05.09.07 — Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси.
06.00.00 — Қишлоқ хўжалиги фанлари:
06.01.02 — Мелиорация ва суғорма деҳқончилик.
06.01.10 — Ер тузилиши, кадастр ва ер мониторинги.
07.00.00 — Тарих фанлари:
07.00.01 — Ўзбекистон тарихи.
08.00.00 — Иқтисод фанлари:
08.00.04 — Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти.
11.00.00 — География фанлари:
11.00.05 — Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш.
11.00.07 — Геоинформатика.
13.00.00 — Педагогика фанлари:
13.00.05 — Касб-ҳунар таълими назарияси ва методикаси.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:
- қисқача биографик маълумотнома;
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастури бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси;
- илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси;
- фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчи сифатида расмийлаштириш учун фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) диплими ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даражалар диплими нусхаси;
- иш жойидан тавсифнома.

*Ҳужжатлар 2018 йилнинг 15 октябрига қадар қабул қилинади.*

*Манзил: Тошкент шаҳри,*
*Қори-Ниёзий кўчаси, 39-уй,*
*Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти.*
*Маълумот учун телефонлар: 71 237-09-46, 71 237-19-61.*
8022/408

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 73 186 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71 233-52-55;*
*Котибият 71 233-10-28; Эълонлар 71 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — О. Файзиев.
Навбатчи — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.40 Топширилди — 00.15 1 2 3 4 5 6